

Зухра АРИПОВА,
*“Араб тили ва адабиёти
 ал-Азҳар” кафедраси доценти,
 тарих фанлари номзоди*

МИСРДА МАМЛУКЛАР ДАВРИДА АББОСИЙ ХАЛИФАЛАРНИНГ БОШҚАРУВДАГИ ЎРНИ

Маълумки, Мисрда 1250 – 1517 йилларда мамлуклар ҳукмронлик қилишган. Тарих маълумотлар шуни кўрсатадики, 1258 йилда Аббосийлар ҳукмронлиги кулаб, мўғуллар Бағдодни қўлга киритди ва охириги халифа Мустасим, унинг ўғли ва кўпгина аббосийлар ўлдирилди. 1260 йил 3 сентябрда Султон Кутуз бошлиқ мамлук қўшинлари мўғул аскарлари устидан ‘Айн-Жаллутда эришган ғалаба мўғулларни Кичик Осиёдаги бошқа давлатларга ўз юришларини тўхтатишига мажбур қилган ва обрў-эътибори ошишига сабаб бўлган¹.

Чингизхоннинг невараси Хулоғхоннинг Бағдодни олиши билан Ироқда Аббосийлар халифалиги тугатилди. Мўғуллар Бағдодга кирганида Аббосий хонадонидан Аҳмад ибн Зоҳир камокхонада эди. Шу сабаб шаҳарда ўтказилган умумий қатлдан омон қолди. У охириги ўттиз еттинчи Ироқ Аббосий халифаси Мустасим биллоҳнинг амакиси эди. У Бағдоддан кочиб, Ироқнинг ғарбига яширинди.

Икки қочоқ Аббосий Абу Аббос Аҳмад ва Абу Қасим Аҳмад ибн Зоҳирни Султон Бейбарс Қоҳирага чақирганида, Абу Қасим олдинроқ келади, Абу Аббос эса Шомга кетишни ихтиёр қилади. Бейбарс ўз давлатининг эътиборли кишиларини йиғиб, уларга Абу Қасим Аҳмад Аббосий халифа Зоҳирнинг (1225) ўғли, охириги халифа Мустасимнинг амакиси эканлигини айтади ва ушбу шаҳодат туфайли

¹ Аҳмад Мухтор Ал-‘Ибодий. Қиём давлат ал-мамолик ал-увла фи Миср ва-ш-Шом. – Искандарийа: Ал-муас-саса шабоб ал-жоми‘а, – Б. 256.

бош қозилар бу хабарни қабул қиладилар². Шундай қилиб, Зоҳир Бейбарс Бағдодда якун топган халифаликни Мисрга кўчиради ва гўёки, уни тиклайди. Қоҳирадаги Аббосий халифага “*Ал мустансир биллоҳ*” лақабини бердилар³. Аббосий халифалар одатига кўра, Миср султонига безакли кийим кийдириб, халифа сифатида унинг ҳукмдорлигини тасдиқ этиш маросими бўлган. Шу ўринда баъзи мулоҳазаларни келтириб ўтсак. Аббосийлар халифалигини Мисрга кўчириш ҳақидаги фикр биринчи бўлиб Султон Бейбарсдан чиққан, дейиш хато бўлган бўларди. Аслида, бу режани аввал Аҳмад ибн Тўлун, ундан сўнг эса Муҳаммад ибн Тағж Ихшид рўёбга чиқаришга уриниб кўрган, лекин бу лойиҳа амалга ошмай қолган эди⁴. Бағдод халифалиги давридан “Халифа” номи сақланиб келаётган бўлса-да, аввалги ҳақиқий “*Халифа Расулиллоҳ*”, яъни, “*Аллоҳ пайғамбарининг ўринбосари*”дан мамлуклар давридаги халифа буткул фарқ қилган. Қоҳирадаги Аббосий халифалар асосан султоннинг амрига итоат этишган. Ас-Суйутий “Тарих ал-хулафо” китобида Қоҳира халифасини мисли султоннинг айёни, яъни оддий зодагон сифатида тасвирлайди⁵. Улар ҳеч қандай

² Жамол ад-дин Шаййол. Тарих Миср ал-исломиййа. – Қоҳира: Дор ал-маориф, 2000. – Б. 177–179

³ Аҳмад Шалабий. Ат-тарих ал-исломий. – Қоҳира: мактабат ан-наҳда ал-мисриййа, 1990. – Б. 244

⁴ Аҳмад Мухтор Ал-‘Ибодий. Қиём давлат ал-мамолик ал-увла фи Миср ва-ш-Шом. – Искандарийа: Ал-муас-саса шабоб ал-жоми‘а, – Б. 179–198.

⁵ Жалол ад-дин Ас-Суйутий. Тарих ал-хулафо умара ал-муминийн. – Қоҳира, 1959. – Б. 164

хукмдорликка эга бўлмаган. 1291 ва 1292 йилда халифа тўрт марта имом бўлиб, масжидда жума хутбасини ўқиган. 940 йилдан буён Халифа Радий ўлимидан сўнг, бағдодлик халифалар хутбага чиқмагандилар. Ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, 1298 йилда халифа Ҳаким Маккага Ҳаж зиёратини амалга оширган. Макка ва Мадина хутбасида халифанинг номи зикр этилмай, фақат султоннинг исми айтиб ўтилган⁶. Мамлуклар даврида султон давлатнинг ҳам диний ҳам дунёвий томондан бошқарувчиси бўлиб, мусулмонларнинг диний бошлиғи сифатида султон имом, деган номга ҳам эга бўлган. Бу борада диний характер султон ҳокимиятининг ўзига хос кўриниши сифатида қабул қилинган.

XII аср охирида Миср султонлари ислом дунёсида катта обрўга эга эди. Улар муқаддас шаҳарларнинг ҳомийси сифатида Каъба учун қисва (Каъба ёпқичи) юборишган. Бу ўрта аср ислом тарихида биринчиликнинг нишонаси ҳисобланиб, уларга асосий лавозимдек *“Ходим ал-ҳарамайн”* (икки муқаддас масжид хизматчиси) номини берарди. Биринчи бўлиб бу ном аббосий халифа ан-Носир билан Салоҳ ад-дин ўртасидаги келишмовчиликда қабул қилинган. Бошиданоқ бу ном халифага қарши қўйилгандек эди, унга тенглаштирилган *“ислом султони”* ни англатарди⁷.

Халифанинг фақатгина диний обрў – эътиборигина уни мартабали қилиб кўрсатарди. Миср султонлари билан ҳокимиятни бўлиш ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас эди. Лекин таниқли араб тадқиқотчиси Али Иброҳим Ҳасаннинг *“Тарих ал-мамолийк ал-баҳриййа”* китобида ёзилишича *“Хутбада халифанинг номи айтилган ва тангаларда исмлари акс эттирилган”*⁸. Мисрдаги халифаларни хиндистонликлар тан олган ва уларнинг номлари билан тангалар зарб этирилган. Халифа Мустакфий ўлимидан (1340) сўнг, ҳаттоки, Ҳиндистонда 1343 йилга қадар унинг номи хутбада зикр этилган, тангаларда номи зарб этилган⁹.

Ўрта аср тарихчиси Аз-Зоҳирий (в. 1468) ёзишича: *“... кимки ўзи қилич ёрдамида халифа номидан қасам ичмасдан султон бўлса, у исёнчи, унга кимнидир кози вазифасига тайинлашга рухсат берилмайди, агар у шунга ўхшаш нимадир қилса, унинг қарори ҳақиқий эмас (яъни бошқарувчи шахс), ҳаттоки, унинг никоҳ*

⁶ Бартольд В.В. Халиф и султан. // Бартольд В.В. – Сочинения. Т. VI. – Москва, 1966. – Б. 39 – 40.

⁷ Lewis Bernard. Khadim al-Haramayn. – The Encyclopaedia of Islam. Ж.4. – Б. 899.

⁸ Ҳасан ‘Али Иброҳим. Тарих ал-мамолик ал-баҳриййа – Қоҳира: мактабат ан-наҳда ал-мисриййа, 1967. – Б. 266 – 273.

⁹ Arnold. The caliphate – Б. 104., Lane-Poole Mediaeval India under Muhammadan Rule. – Б. 137 – 138.



ҳақидаги битими ҳам...”¹⁰. Бундай ҳолатларда халифадан мубояа (гувоҳнома, қасамёд) олинган. Агар Султон иккинчи марта тахтга ўтирган бўлса, маросим қайтадан ўтказилган. Баъзи халифалар бир неча султонлардан қасамёд қабул қилишган. Халифа Абу Аббос Аҳмад ибн Мустақфий (1340 – 1351) саккизта, Халифа ал-Муътаид Биллоҳ (1414 – 1441) олти султондан қасамёд қабул қилганлар¹¹.

Назарий жиҳатдан олганда халифа тўрт мазҳабнинг бош қозилари билан биргаликда султонлик мансабидан олиб ташлашга ҳаққи бор эди. Амалда эса, у катта ҳарбий лашкар-бошилар томонидан султоннинг ағдарилганлигига расмий тус бера оларди, холос.

1453 йилда халифа ал-Қоим (1451 – 1455) ўз ҳуқуқини талаб қилиб, Султон Инол халифани, яъни ўзига қарши ҳаракатда айблади. Ўзининг танг аҳволдан кутулиш учун халифа султонга шундай мурожаат қилади: “Мен ўзимдан халифалик ҳуқуқини олиб ташлаб, сизнинг султонлигингизни ҳам алмаштираман”. Бундай ғалати ҳолатни юзага келганини кўрган бош қози Алам ад-дин ал-Булқоний бу қалтис вазиятдан чиқиш мақсадида “Халифа ўзидан ўзи халифалик ҳуқуқини олиб ташлади, энди у халифа эмас ва бинобарин, султонни лавозимидан олиб ташлай олиш ҳуқуқига эга бўла олмайди” – дейди¹².

Кучли, мустақил имом ёки халифа даражасидаги мусулмон ҳукмдорларининг кўпчилигини, мусулмон уммаси тан олар эди. Сиёсий чегаралардан қатъи назар, ислом ери ҳар доим бир ягона ер сифатида қаралиб, мусулмон “ҳар жойда ўз ишончи, ўз ибодати назари остида юрарди, ўша намоз, ўша урф-одатлар, ўхшаш қонунларни учратарди” – дейишарди¹³. Ягона ислом ери ягона бошқарувчига эга бўлиши лозим эди”. Халифанинг муқаддас шаҳарлар бўлмиш Макка

ва Мадина томонидан ҳукмронлиги тан олинган ҳисобланарди. У ҳамма мусулмонларни ҳимоя қилиши, ҳаж зиёратчиларига ёрдам бериши, муқаддас шаҳарларга эътибор қаратиши лозим. В.Бартольднинг таъкидлашича, “халифаларнинг ҳукмронлиги унинг бошқарувидаги қудрати ва характери билан аниқланарди”¹⁴. Қурайш қабиласига мансуб эканлигидан бошқа ҳеч қандай ҳуқуқ, эътироф этилмасди.

Арнольд Тойнби ўзининг “Халифалик” номли китобида ўрта асрлардаги Рим империяси билан илк Араб халифалигининг фарқини ёритиб беришга ҳаракат қилган. У қуйидагича ёзади: “Император аҳолининг диний ишларига аралашмаган. Давлатнинг диний ишлари билан Папа шуғулланган. Араб халифалигида эса мазкур вазифанинг ҳар иккаласи ҳам халифа зиммасига юкланган. Халифаликка ўтирган шахс давлат бошлиғи сифатида ҳам диний, ҳам сиёсий вазифаларни бошқара олиши лозим бўлган. Халифа кишиларга намозда имом, аскарларга лашкарбоши ва яна бир қатор вазифаларни ўз бўйнига олиши керак эди”¹⁵. Лекин Қоҳирадаги “халифа” бошқарув ҳокимиятининг бошлиғи эмасди. Амалда у фахрли ном бўлиб, ислом ва шариатнинг ҳимоячиси, илм ва фан ҳомийлари сифатида машҳур бўлган¹⁶.

Қоҳира халифалари ҳеч қачон аниқ ташкилотни, умуман ҳеч қандай диний ишларни бошқармаган. Улар мусулмон дунёси бошқарувчиси сифатида (кўринишигина) эди. Улар маросимларда қатнашардилар, шайхулисломлар билан бирга ҳар ойда султонни мақтардилар ва янги султонлардан қасамёд қабул қилардилар. Шу билан Аббосийлар ислом оламидаги бошқарувчиларни сайқаллаштириб, Мисрни “халифалик ери” каби улуғлаб, мамлукларга безак бериб туришган. Миср султонларини бошқа халифалар борлиги шу қаторда қўшни мусулмон давлат ҳукмдорлари томонидан қурайш қабиласидан халифа титулини қабул қилгани хавотирга солмасди. Мадина масжидида бутун дунё зиёратчилари кўз олдида усмоний султон Боязид II (1481 – 1512) шарафига “*мавлон амир ал-муъминийн ас-султон ал-малик ал-музаффар*” (бизнинг

¹⁰ Бартольд В.В. Халиф и султан. // Бартольд В.В. – Сочинения. Т. VI. – Москва, 1966. – Б. 40 – 41.

¹¹ Тархон ‘Али Иброҳим. Миср фи ‘аср давлат ал-мамолик ал-жаракиса. – Қоҳира: мактабат ан-наҳда ал-мисриййа, 1960. – Б. 67.

¹² Хасанов А.А. Социально-политический строй мамлюкского Египта, при черкесских султанах (1382 – 1517). Автореферат дисс. на соиск. канд. ист. наук. – М., 1975. – Б. 16.; Тархон ‘Али Иброҳим. Миср фи ‘аср давлат ал-мамолик ал-жаракиса. – Қоҳира: мактабат ан-наҳда ал-мисриййа, 1960. – Б. 68.

¹³ Иванов Н.А. Османское завоевание арабских стран (1516 – 1517). – М.: Наука, 1984. – Б.11.

¹⁴ Бартольд В.В. Халиф и султан. // Бартольд В.В. – Сочинения. Т. VI. – Москва, 1966. – Б. 43 – 77.

¹⁵ Arnold T. The catlipnate. – Oxford, 1924. – Б. 133.

¹⁶ Бартольд В.В. Халиф и султан. // Бартольд В.В. – Сочинения. Т. VI. – Москва, 1966. – Б. 49.

олампадохимиз, султон-музаффар подшоҳ, мўминларнинг амири, яъни, халифаси) номи билан шарафлаб ёзув ёзиб қўйилганди¹⁷. Бунга қарши мамлуклар ўзларининг “ислом султони” ва “ходим ал-ҳарамайи” титуллари асрардилар. Бу масалада мамлуклар ҳаттоки, қуролли низолар чиқаришдан ҳам тойилмасдилар.

Халифалар мамлук султонлари томонидан ажратиладиган нафақа ҳисобидан яшарди. Унинг миқдори султонлар билан халифалар ўртасидаги мавжуд муносабатдан келиб чиқиб ажратилар, уларнинг аниқ бир кўрсаткичи йўқ эди¹⁸. Маълумки, ҳокимият тепасига буржий (черкес) мамлуклари келгунга қадар, яъни баҳрий мамлук султонлари ҳукмдорлиги даврида нафақа миқдори жуда кам бўлиб, халифанинг ҳаражатларини қоплашгагина етган. Халифанинг моддий эҳтиёжининг яхшиланишига Нафиса мақбараси¹⁹дан келадиган тушумнинг тасарруфига ўтганидан сўнггина эришилди. Барқук (1382 – 1399) ҳокимият тепасига келгач, халифаларга иқтоъ, шунингдек, ойига 500 динор миқдоридаги маош ва озиқ-овқат ажратила бошланди. Халифа ал-Қоимга ўзининг иқтоъсидан ташқари, 1453 йилда 1000 динор миқдоридаги пуллик мукофот ва янги иқтоъ ҳам берилганди. Халифа ал-Мустанжид (1455 – 1479) иқтоъсига Даманхур ва Гиза муҳофазаси, шунингдек, Имбаба кишлоғини ҳам қўшганди. Охириги пайтларда, халифанинг ҳаражатларига Султон газнасидан 5 минг динордан оширмай ажратиш урфга айланди. Черкес мамлуклари даврида баъзи халифалар ўзларининг моддий имкониятлари катта эканлиги билан машҳур бўлган.

¹⁷ Gibb Hamilton A.R. Studies on the civilisation of Islam. – Boston, 1962. – Б. 146

¹⁸ Тақий ад-дин Ал-Мақризий. Китоб ал-Маво‘из вал-и‘тибор би зикр ал-хутат вал-осор. Ж.2. – Булок: Кастон виит, 1906/1908. – Б. 243; Хасанов А.А. Система управления и суда в мамлюкском Египте конца XIV начала XVI в. // История и экономика стран Арабского востока и Северной Африки. – М.: Наука, 1975. – Б. 367; Хасанов А.А. Социально-политический строй мамлюкского Египта, при черкесских султанх (1382-1517). Автореферат дисс. на соиск. канд. ист. наук. – М., 1975. – Б. 18.

¹⁹ Нафиса- Хусайн ибн Зайд ибн Ҳасан ибн ‘Али ибн Абу Толиб қизи 823 йилда Мисрда вафот этган. Унинг мақбарасига мусулмонлар зиёратга келар эдилар. Келувчилар шағам ва ёғни фақатгина халифадан сотиб олишлари мумкин эди. Тархон ‘Али Иброҳим. Миср фи ‘аср давлат ал-мамолик ал-жаракиса. – Қоҳира: мактабат ан-наҳда ал-мисрийя, 1960. – Б. 55.

К.Босвортнинг ёзишича, “Қоҳирадаги халифалик Мисрни мамлуклар томонидан бошқарилишига қонуний тус берган ва мўғуллар, салбчиларга қарши маънавий озуқа бўлиб хизмат қилган”²⁰.

Ўрта аср тарихчиси Ас-Суйутийнинг фикрича, мўғуллар томонидан тугатилган Аббосий халифалик Мисрда ўз фаолиятини амалга оширган, ҳукмдорлар ҳокимиятига безак беришдан иборат эмас эди. Бағдоддан сўнг, дунё фақатгина уч ярим йилгина халифасиз яшади, қолган вақт “халифанинг қароргоҳи” вазифасини Бағдод ўрнига Қоҳира эгаллади. У ерда ислом қоидалари юксалмоқда, сунна юқори чўққида, бидъат йўқ қилинган ва шу билан бирга олиму уламолар, фозилу фузалолар яшамоқда. Пайғамбардан сўнгги халифат қаерда бўлса, у ерда Қуръони каримга ишонч ва амал бўлади. Замондоши бўлмиш халифа Мутаваккил II ҳақида гапириб “уни халк севишда давом этаяпти”, дейди²¹.

Мисрдаги халифалик каттагина аҳамиятга эга эди. XIII аср ўртасида Айюбийларни мамлук ҳарбий бошлиқлари тахтдан ағдариб, ҳокимиятни қўлга киритганларидан сўнг, буни қонунийлаштириш учун халифа зарур эди. Халифани Қоҳирага олиб келиниши ҳамда олиб борилган фаол ташқи сиёсат туфайли, мамлук султонлари ислом оламида каттагина мавқега эришганлар. Миср султонлари ва Аббосий халифалари ўртасидаги муносабатларни ижтимоий демагогиянинг ўзига хос бир кўриниши деб таърифлаш мумкин.

Демак, Қоҳирадаги Аббосий халифалар асосан султоннинг амрига бўйсунган. Халифанинг фақатгина диний обрў-эътиборигина уни мартабали қилиб кўрсатган. Назарий жиҳатдан халифа тўрт мазҳабнинг бош қозилари билан биргаликда султонлик мансабидан олиб ташлашга ҳаққи бўлган, лекин амалда у катта ҳарбий лашкарбошилар томонидан султоннинг ағдарилганига расмий тус берган. Мамлуклар ҳокимияти ниҳоясигача халифалар араб сулоласидан тайинланган бўлса, 1517 йилдан халифалик бошқаруви туркларга ўтган.

²⁰ Қаранг: К.Э.Босворт. Мусульманские династии. М.: 1971. – Б. 36.

²¹ Жалол ад-дин Ас-Суйутий. Китоб хусн ал-муҳодара би ахбор Миср ва-л Қоҳира. Ж.2. – Қоҳира: , 1909 – Б. 72 73.